O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 14 январ, №3 (3541) •

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз қадрдонларим, азиз дўстларим!

Халқимиз тинчлиги ва бунёдкорлик фаолиятининг посбонлари бўлган сиз, азиз аскарлар, сержант ва прапоршчикларни, офицер ва генералларни, барча ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни буюк сана — Ватан ҳимоячилари куни билан чин юракдан самимий муборакбод этаман!

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оила, аёл ва оналарнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қила олмас экан, уни том маънода давлат, деб атаб бўлмайди.

Бутун тарихий ўтмишимиз, аждодларимиз ўгитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини кафолатлай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», деган сўзларида теран маъно мужассам.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур-малик, Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзининг мана шундай буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олиши табиийдир.

Бугунги кунда шуни ифтихор ва ғурур билан айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда ана шундай армия ташкил топмоқда. Унинг олдига қўядиган талабимиз ҳаммага маълум — бу армия тезкор, жанговар қобилияти юқори, ҳар жиҳатдан замонавий қурол-яроғ билан таъминланган ва энг юксак мезонларга жавоб бера оладиган бўлиши шарт.

Биз ўз армиямизни келгусида фақат профессионал армия сифатида кўрамиз. Ўзини мана шу она заминнинг фарзанди деб ҳисоблаган ҳар бир йигит учун армия, Қуролли Кучлар сафида хизмат вазифасини ўташ фахр-ифтихорга, шарафли бурчга айланиши даркор. Шу эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида давлатимиз ва халқимиз ўз куч ва имкониятларини аямайди.

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган фожеали воқеалар, Қирғизистон жанубида ҳамда Тошкент вилоятида рўй берган воқеалар бизнинг Қуролли Кучларимиз, барча қўшин турлари жонажон Ватанимизга, она еримизга таҳдид солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қатъий зарба беришга қодирлигини, юртимизнинг муносиб ҳимоячилари эканлигини яна бир бор намоён этди.

Кимда-ким бизнинг муқаддас заминимизга нопок, ғаразли ниятлар ва таҳдидлар билан қадам босса, юртимиз атрофида ғаламисларча кўз олайтириб юрган бўлса, билиб қўйсинки, биз уларга қатъий зарба беришга ва ўз сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилишга, унинг озодлиги ва мустақиллигини асрашга қодирмиз. Бунинг гарови эса сиз — менинг мард ва жасур ўғлонларим.

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, қутлуғ байрам билан табриклайман!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

## ҚАЛҚОН БЎЛАРМАН ОНАЖОН

*Гар Ватан кўз гавҳари, мужгон бўларман, онажон,*
*Унга мужгон сингари посбон бўларман, онажон.*

*Мен учун жон ҳам Ватан, мардликка майдон ҳам Ватан,*
*Жон билан, жоним билан қалқон бўларман, онажон.*

*Бўлса норинг гар қаторда, ерда қолмайди юкинг,*
*Мен Ватан амри ила карвон бўларман, онажон,*

*Яхши ўғлон онанинг шон-шуҳрати бўлгай мудом,*
*Сизга бир умр ҳам шараф, ҳам шон бўларман, онажон.*

*Султон РАСУЛИЙ*

## НАЖОТ ЭЛЧИСИ

*Мангу лаҳза*

Форсий «беҳбуд» сўзи бир қанча маъноларга эга. Шулар орасида нажот маъносини англатувчи «беҳбуд» сўзидан «Беҳбудий» исми зоти пайдо бўлган.

Бундан 125 йил муқаддам, 1875 йилнинг 19-январида, Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғининг имом-хатиби оиласида бир фарзанд туғилди. Аҳмад Яссавийнинг олис авлодларидан бўлган Беҳбудхўжа фарзандига Маҳмудхўжа деб исм қўйди. Кейинчалик Туркистон Миллий уйғониш ҳаракатининг тимсолига айланган Маҳмудхўжа Беҳбудий дастлаб отаси, унинг вафотидан кейин эса, тоғаси Муҳаммад Сидиқнинг қўлида тарбия кўрди, хат-саводини чиқариб, Самарқанд ва Бухоронинг ўша вақтда нуфузли ҳисобланган мадрасаларида диний ва дунёвий илмлардан сабоқ олди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг жадид мактаблари учун яратган дарслик ва қўлланмалари,

юзлаб публицистик мақолаларини ўқиган киши унинг ҳар томонлама кенг ва теран билими, фикр ва қарашларининг ўткирлиги ва янгиликка интилувчан нигоҳига тан бермай иложи йўқ. Ундаги бу нодир хусусиятлар ана шу мадрасалару тоғалари туфайли шаклланганi шубҳасиз. Айтмоқчимизки, Шарқ илмий ва ижтимоий тафаккурининг дарғалари бўлмиш сиймолар, Беҳбудий сингари, биринчи навбатда миллий заминда ўсиб-улғайганлар.

Одатда Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг туғилишини Исмоил Ғаспирали номи билан боғлашади. Беҳбудийнинг шаклланишида ҳам Ғаспиралининг таъсири оз эмас. Лекин таҳлилий ақл-заковат соҳиби бўлган Беҳбудийнинг кўзини даставвал она юртидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги муаммолар очган, десак, тўғрироқдир. Унинг 1899-1900-йиллари ҳаж сафарида бўлиб, бир қатор хорижий мамлакатлар ҳаёти билан танишиши жадидчилик марраларига етиб келишида муҳим омил бўлди. Беҳбудий барча муаммоларни фақат халқни маърифатлаштириш орқалигина ҳал қилиш мумкин, деган жадидона хулосага келди. У дастлаб маърифий дастурини ишлаб чиқди: 1903 йили Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи ва Ражабамин қишлоқларида янги мактабларни очди. Бу мактаблар учун «Рисолаи асбоби савод», «Рисолаи жуғрофияи умроний», «Рисолаи жуғрофияи Русий», «Китобат ул-атфол», «Тарихи ислом» сингари ўқув қўлланмаларини яратди. Маърифатпарварлик фаолияти билан жиддий равишда шуғуллана бошлаган Беҳбудий 1903 — 1904 йиллари Москва ва Петербург, 1906 йили эса Қозон, Уфа, Нижний Новгород сингари шаҳарларга бориб, мустамлака Туркистондаги аҳволни ўзгартиришнинг янги-янги йўлларини излади. Шу сафарлар туфайли унинг маърифатпарварлик билан боғлиқ дастури яна-да бойиб, янги қирралар касб этди.

Ёзма драматургияси ва малакали театри бўлмаган Туркистонда Беҳбудийнинг биринчи бўлиб «Падаркуш» пьесасини ёзиши (1911) ва бу пьеса туфайли театр санъатининг туғилиши (1914) тасодифий эмас. Демак, у Оврупо қабилидаги театр спектакллари билан яхши таниш бўлибгина қолмай, драматургия асослари билан ҳам қизиққан, театрнинг халққа таъсир этувчи, унинг ижтимоий фаоллиги ва маданий даражасини оширувчи қудратли восита эканлигини билган. Орадан кўп ўтмай, 1913 йили «Самарқанд» газетасининг нашр этилиши билан матбуот Беҳбудий ижтимоий-маърифий фаолиятининг бош жабҳасига айланди. Куни кеча Беҳбудий ва унинг сафдошлари туфайли хат-саводи чиққан авлодлар энди оташин публицистнинг «Самарқанд» газетаси ва «Ойна» журналида эълон қилган мақолалари туфайли миллий тараққиёт ғоялари билан тўйина бошладилар.

Жаҳон геополитик харитаси, шу жумладан, Русияда содир бўлган ўзгаришлар таъсирида Беҳбудийда мустамлака кишанларидан халос бўлиш учун кураш истаги уйғонди. Бу истак, айниқса, 1917 йил Феврал ва Октябр воқеаларидан кейин қатъий қарорга айланди. Туркистон Мухторият ҳукуматининг хоинларча тугатилганини кўрган Беҳбудий Шўро давлатининг ташқи душманларида ўз дўстларини топишга интилди. Унинг Туркия орқали Антанта давлатлари раҳбарлари билан учрашиш учун чиққан сўнгги сафари фожиа билан тугади. Шўро давлати жосуслари уни Бухоро амирига тутиб бердилар. Ҳам Бухоро амирлиги, ҳам Шўро давлати учун ўта хавфли бўлган Беҳбудий шу тарзда ҳалок бўлди.

Беҳбудий нажот элчиси сифатида дунёга келган эди. У шу мақомда ўзбек халқининг тарихида абадул-абад қолажак.

**Наим КАРИМОВ**

## 2000 йил 9 январ — УЛУҒ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

## ЭЪТИҚОД ВА ЭҲТИРОМ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Халқ тақдири ҳал бўладиган муҳим тарихий бурилишлар даврида шу халқнинг ўзига ҳам, унинг йўлбошчисига ҳам осон бўлмаслиги ўтмиш тажрибаларидан яхши маълум. XX аср бошларида халқимиз ҳаётида бошланган миллий озодлик ҳаракати шу асрнинг охирги ўн йиллигига келибгина ўз самарасини берди. Бироқ бу озодликка, миллий истиқлолга эришиш учун даҳшатли қатағонларни, таъқибу тазйиқларни босиб ўтишга тўғри келди. Бу қатағонлар фақат миллатнинг гули бўлмиш зиёлиларни жисман йўқ қилиб, майибу мажруҳ қилибгина қолмай, маънавий маданиятга ҳам жуда катта зарар етказди. Миллий истиқлолга эришмаганимизда бу тазйиқлар яна қанча давом этиши мумкинлигини Яратганнинг ўзи биларди, холос.

Сиз собиқ Иттифоқ республикалари орасида Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб эълон қилибгина қолмай, бу мантиқий ҳақиқатни халқ ҳаётида рўёбга чиқариш учун жасорат билан киришдингиз.

Айниқса, халқ маънавиятини тиклаш, уни ўтмишнинг энг яхши анъаналари ва жаҳоннинг бой тажрибалари асосида ривожлантириб борищдек улуғвор ишнинг изчил йўлга қўйилганлиги биз ижодкорларни беҳад мамнун этади. Қисқа бир тарихий давр мобайнида Имом ал-Бухорий, Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Абу Исо Термизий, Ал-Фарғоний каби буюклар меросининг халққа етказилганлиги, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби салтанат соҳибларининг тарихий қадри тикланганлиги, Огаҳий, Ажиниёз сингари мумтоз шоирлар юбилейларининг ўтказилганлиги, «Алпомиш»дек жаҳон фолклорида ноёб бўлган достон яратилганлиги минг йиллигининг зўр тантана билан нишонланганлиги, Чўлпон, Фитрат каби фидойи адибларнинг миллий маданиятимиздан ўз шарафли ўринларини эгаллаганликлари келажак йўлларимизнинг чароғонлигига далилдир.

Сиз бу маънавий қадриятларни тиклаш ишининг ташаббускори бўлибгина қолмай, уни бугунга ва келажак ҳаётга татбиқ этишда ҳам бош-қош бўлиб турибсиз. Барча халқларни дўст, аҳил, тинч ва фаровон кўриш азалдан ҳар бир халқпарвар ижодкорнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Бунинг учун у қадар кўп нарса лозим эмас, фақат соғлом жамият учун соғлом инсонлар зарур эди, холос. Бироқ бир қарашда жуда оддий кўринган ана шу омилларни шакллантириш ниҳоятда мушкул вазифа бўлиб келганлиги тарихдан яхши аён.

Сиз бу йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон этганлигингиз замирида ана шундай соғлом жамият ва соғлом шахсларни шакллантиришдек эзгу ният ётганлигини ҳис этиб турибмиз. Биз соғлом авлод деганда фақат жисмонан тўкис инсонларнигина эмас, балки инсоний фазилатларга бой, дунёқараши теран, халқпарвар ва ватанпарвар инсонларни, дунёни эзгулик ва гўзаллик қонунлари асосида ривожлантириб борадиган авлодни ҳам тушунамиз. Бу ишда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Биз сафимизга янгича бадиий-эстетик дунёқарашга эга бўлган, ўтмиш маданиятимизга ва жаҳон тамаддунига зукколик билан ёндошадиган ёшлар кириб келаётганидан фахрланамиз ва буни истиқлол шарофатидан деб биламиз. Бу — улуғ йўлнинг бошланишидир. Қилинган ишларимиздан қилинажак ишларимиз беқиёс даражада кўпдир. Бироқ, умид ва ишонч ундан-да буюкроқдир. Чунки Сизга, Сиз бошлаган ишларнинг эзгулигига ишонамиз, Сиз суянган халққа суянамиз. Халқ ишончи шундай бир ишончким, унинг замирида ҳамиша катта масъулият туради. Биз ижодкорлар ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда Сизга ҳамиша камарбастамиз. Сизнинг адабиёт ва санъат аҳлига бўлган ишонч ва эътиборингизни ҳар лаҳзада ҳис этиб турамиз, бу ишонч бизни даврнинг энг долзарб муаммоларини акс эттирувчи янгидан – янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда.

Сизнинг қайта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклаймиз. Ўзингизга ва хонадонингизга сиҳат-саломатлик, узоқ-умр тилаймиз.

***Абдулла ОРИПОВ, Иброҳим РАҲИМ, Саид АҲМАД, Одил ЁҚУБОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Йўлдош СУЛАЙМОН, Муҳаммад ЮСУФ, Шарифа САЛИМОВА.***

Р. ШАРИПОВ этюди.

## ИШОНЧ ВА ЭЪЗОЗ ШУКУҲИ

Ҳаётнинг синовлари кўп. Энг буюк синов — тарихнинг бурилиш лаҳзалари, ҳал қилувчи босқичларида ўзликни йўқотмаслик! Ўз тақдирингнинг эгаси бўлмоқлик, бахтингни қўлдан бой бермаслик! Зотан, тарих ҳамма вақт ҳам бундай имконият беравермайди.

Ўтаётган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўзбек халқи учун ана шундай буюк синов даври бўлди. Ва бу синовдан биз қандай ўтаётганимизни бутун дунё кўриб турибди. 2000 йилнинг 9 январи эса бу синовнинг яна бир жаҳоншумул намойишига айланди. Ўзбек халқи ўз Йўлбошчисига бўлган ишончу эҳтироми, эъзозини баралла намоён этиб, яна Президент этиб сайлади.

Миллат тарихи, улуғ халқлар тарихи буюк шахслар тарихидан иборат. Буюк шахслар эса буюк халқнинг бағрида улғаяди, камол топади. Буюк фарзандни улғайтирган эл, унга ўзига йўлбошчиликни раво кўрган халқ тарихда унинг номи билан яшайди.

Истиқлол боис Ҳурриятга етишган Ўзбекистоннинг янги тарихи ана шу истиқлолнинг меъмори Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир. Халқимизнинг ёруғ истиқболи ҳам шу улуғ инсон номи билан боғлиқдир. Ўзбекистон — буюк давлат бўлади, деган улуғ ният билан ана шу ёркин истиқбол сари халқини ортидан эргаштирган Йўлбошчининг қадами қутлуғ келди. Бугун бу қутлуғ қадамларни кўрмаслик, улардан ҳайратга тушмаслик, унинг ижодкорига меҳр-муҳаббат кўрсатмаслик мумкинми? Йўқ, асло!

9 январда халқимиз ана шу қутлуғ қадамлар ижодкорига ўз меҳр-муҳаббатини намоён этди. Бу меҳр-муҳаббатнинг замирида халқнинг ўз Йўлбошчисига бўлган буюк ишончи мужассамдир. Халқнинг ишончи эса — бу, бамисоли қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкалдир. Бу, сўз билан, чиройли ваъдалар билан, улуғ даъватлар билан эгаллаб бўлмайдиган қўрғондир. Бунга фақат амалий иш билан сазовор бўлинади.

Мустақиллик йилларида тикланган қадриятларимиз, юксалган фахр-ифтихоримиз, жаҳонга очган йўлларимиз, истиқбол сари қўйган қадамларимиз, юртимиз жамолидаги кўрган кўзни ҳайратга солувчи мўъжизалар — буларнинг ҳаммаси халқ қалбидаги буюк ишонч манзараларидир.

Ишонч манзаралари. Бу ҳақда сўзлаб адоғига етиб бўлмайди. Зеро, ўтган ўн йил мобайнида амалга ошириб улгурилган ишлар кўлами юз йилларни менгзагуликдир. Энг катта ишонч — халқнинг ўз тақдирини ўз Йўлбошчиси тақдири билан ягона деб билганидир.

Халқ ишончи — буюк неъмат. Бироқ бу ишонч бутун вужуди, ўй-ташвишлари, юрагидаги эҳтироми, қалб даъватлари билан шу халққа муносиб бўлишга интилган ва бунинг уддасидан чиқа билган инсонларгагина насиб этиши мумкин. Айни чоғда халқ ўзининг ҳақиқий халоскорини таний билмоғи ҳам керак. Ўз халоскорини, ғамхўрини, Йўлбошчисини таниган халқгина тўғри йўлни ёркин кўра олади.

9 январ ана шу ҳақиқатнинг намойишига айланди. Халқимизнинг орзу ниятию собит иродаси узукка кўз қўйгандек ярашганига қанчадан-қанча холис ниятли одамлар шоҳид бўлишди. Ахир, бу сайловни бутун жаҳон кузатди. Бутун жаҳон ўз баҳосини берди. **АҚШдан келган халқаро кузатувчи Альберт Катаевнинг сўзлари билан айтганда: «Бу сайловда ўзбек халқининг уюшқоқлиги, оғзи бирлиги кўпларни ҳайратга солди. Одамлар овоз бериш учун сайлов манзилларига худди байрамларга боргандек келдилар».**

Бу халқимизнинг кўнгли тўқлиги, ўзи танлаган Йўлбошчига нисбатан ишончу эҳтироми мустаҳкамлиги, эртанги кунини ёркин тасаввур эта олганидан далолатдир. Президент сайловининг бутун моҳияти халқимиз қалбидаги ана шу буюк ишончу эҳтиромда ўз ифодасини топган эди.

Заҳматкаш она халқимизга, шавкатли аждодлари шукуҳидан жаҳон узра абадий юзи ёруғ эл-улусимизга янги минг йиллик арафасида қайта сайланган Президент муборак бўлсин. Миллий тараққиёт ва улуғ давлатчилик йўлида ўз Йўлбошчимиз билан бирга ташлаган қадамларимиз қутлуғ бўлсин!

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

## САВОБ ИШ

*Боболар сўзи*

*Бу дунё ўткинчи — тўрт кунлик эрур,*
*Гоҳида қувончли, гоҳ мунгли эрур,*
*Мусаффо кундузли ҳам тунли эрур,*
*Савоб ишни ҳар кун, ҳар он қил,*
*болам.*

*Ғарибнинг бағрини ёритмоқ эсанг,*
*Кўнглидан ситамни аритмоқ эсанг,*
*Бори ғам-кулфатни эритмоқ эсанг,*
*Савоб ишни ҳар кун, ҳар он қил,*
*болам.*

*Умрнинг ҳар дамин ғанимат билгин,*
*Бу замин тоғ-тошин каромат билгин,*
*Ҳатто хор-хасини аломат билгин,*
*Савоб ишни ҳар кун, ҳар он қил,*
*болам.*

*Аллоҳ Еримизга солгандир назар,*
*Ҳалол бўл, харомдан қила бил ҳазар,*
*Имону эътиқод ҳаётинг безар,*
*Савоб ишни ҳар кун, ҳар он қил,*
*болам.*

*Кўзингга сурма қил бу Ватан хокин,*
*Унда не улуғлар олиб ётар тин,*
*Авлиё бўлмасанг бўлмагин, лекин*
*Савоб ишни ҳар куч, ҳар он қил,*
*болам.*

*Ниҳол эк, боғбони Ислом бобонгдур,*
*Нур ёқ, чароғбони — Ислом*
*бобонгдур,*
*Эл-юртнинг виждони — Ислом*
*бобонгдур,*
*Савоб ишни ҳар кун, ҳар он қил,*
*болам!..*

*Тошпўлат АҲМАД*

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ТИМСОЛИ

Мен Ленинград шаҳрида туғилганман. 1979 йили шифокорлар менга иқлимни ўзгартиришим шартлигини тавсия қилишди. Ўша пайтларда менга «Яшна Тошкент, Шарқ юлдузи» номли қўшиқ жуда ёқар эди. Лекин бу шаҳар ҳақида деярли ҳеч қандай тасаввурга эга эмасдим. Врачларнинг маслаҳати билан ҳамда соғлиғимни тиклаш учун бу ерга келдим. Ўзбекистон мени ўша даврлардаёқ ўзининг меҳмондўстлиги, меҳр-оқибатлилиги билан мафтун этди ва мен шу шаҳарда яшашга қарор қилдим.

Яқинда, 19 йиллик танаффусдан сўнг ўз она шаҳримга бориб келдим. Тўғрисини айтсам, у ердаги аҳволдан кўнглим ранжиди. Одамларнинг бир-бирига бефарқлиги, жиноятчиликнинг кучайганлиги бир пайтлар донг таратган шаҳарни буткул қамраб олибди. Энг ачинарлиси, кеч кириши билан телевидение ва радиодан фуқароларга кўчага чиқмаслик тавсия қилинади. Сабаби, сизни тунаб кетишлар мумкин. Тошкентда эса, мана ҳаммамиз гувоҳмиз, ҳеч қачон бу ҳолат бўлиши мумкин эмас. Сабаби, юртбошимиз буларнинг ҳаммасини олдини олиб, одилона сиёсати билан фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёти учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб қўйди. Сайловда мен шахсан ҳозирги Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевичга овоз бердим. Чунки бу инсоннинг шижоатида мен миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик нишоналарини кўраяпман. МДҲ давлатларида кечаётган жараёнларни ойнаи жаҳон орқали мунтазам равишда кўздан кечириб бораман. Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон тинч ва осуда макон, шу билан бирга бу ерда барча миллат вакилларининг тенг ҳуқуқи таъминланган.

Сайловда иштирок этаётиб мен бир нарсанинг гувоҳи бўлдим. Сайловчиларнинг ҳаммаси самимият билан Ислом Каримовга овоз беришар экан, ёшу кекса, қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъий назар бир овоздан у кишидан умидлари катта эканлигини, шу билан бирга, болаларининг бахтли келажагини, келажак авлод камолотини мана шу инсонда деб билишларини изҳор этардилар. Агарчи, халқ шу одамни танлаган экан, демак айнан шу инсон энг муносиб йўлбошчидир.

**Галина КОЗЛОВСКАЯ,**
**нафақахўр**

## БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

«Жаҳон адабиёти» журнали истиқлолимиз қўлга киритган энг муҳим ютуқлардан бўлди.

Журналимиз турмушимиздаги иқтисодий мураккабликларга қарамай, ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда, яъни ҳар ойда ва йирик ҳажмда чоп қилинмоқда.

Шу кунларда унинг навбатдаги 4-сони журналхонлар қўлига бориб етади. Қолган уч сонини эса январ ойида тақдим қиламиз.

Янги йил!.. Бу сўз беихтиёр инсон шуурини титроққа чулғайди. Зеро, бу сўзда қилинган ва қилинмаган ишларнинг сарҳисоби ҳамда режаларнинг илҳоми, сурури мужассамдир.

Журналимизда 1999 йилда эълон қилинган асарларнинг рўйхатидан ҳам кўп нарсани англаб олиш мумкин.

Ўзбек таржимачилиги ўзининг ноёб ва бетакрор мактабини ярата олган. Шу жиҳатдан ҳам, таҳририят ҳамиша таржимон маҳорати ва бадиий салоҳиятига алоҳида эътибор билан ёндошади. Бу ўринда оқсоқол таржимонларимиз ёрдамига муҳтож бўлган ҳолда, истеъдодли ёшларни ҳам журнал фаолиятига жалб этмоқдамиз. Кўпгина асарларнинг ёшлар томонидан аслиятдан таржима қилинаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Янги йилда мўлжалланган режаларимиз ҳақида бугун тўлиб-тошиб гапира оламиз. Бунга таҳририятимизга аллақачон олиб келиб топширилган йирик ва бадиий жиҳатдан юксак таржима асарлари ҳуқуқ беради. Булар орасида Ж. Зайдоннинг «Ал-Амин ва ал-Мўмин», Лонгнинг «Дафнис ва Хлоя», Руанинг «Умр — оқар дарё», О. Уайлднинг «Дорман Грейнинг портрети», Ремаркнинг «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ», П. Абрахамснинг «Орол» каби асарларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бир гап, авваллари адабиётимизда яхши бир анъана бўларди, яъни янги яратилган асарларга бағишланган китобхонлар анжуманлари, давра суҳбатлари ўтказиларди. Энди бу тажрибани жаҳон адабиётидан қилинган янги таржималарга татбиқ этсак, ёмон бўлмайди.

**Мирпўлат МИРЗО,**
**Журнал бош муҳаррири ўринбосари.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# «СИНД ТЎЛҚИНЛАРИДА»

## *Бир жасорат ҳақидаги достон*

Ҳар бир миллат тарихида шундай унутилмас ҳодисалар мавжудки, ўзининг улкан аҳамияти билан улар бошқа миллатларнинг ҳам тарихий хотирасида ўчмас из қолдиради.

Эрон ва Мовароуннаҳр тарихи ҳақида сўз борганда беихтиёр Хоразм ва хоразмшоҳийлар, Султон Жалолиддин Хорамзшоҳ тақдири, унинг босқинчи Чингиз лашкарларига қарши кўрсатган жасорати кўз олдимизга келади.

Чингизийлар Мовароуннаҳр ва Эрон томон юриш қилганда уларни даф этиш, Ватан, тожу тахт шарафини ҳимоя этишга отланган ягона шахс Жалолиддин Мангуберди эди. «Тарихи жаҳонгушо» муаллифи Жувайнийнинг ёзишича, у отасининг қочиш режасини билгач, лашкарни ўз ихтиёрига олиб, душманга қарши жанг қилишга рухсат беришини сурайди. Аммо Хоразмшоҳ ўз билганидан қолмас, ўғлининг куйиб-ёнишларига эътибор бермасди...

Жалолиддин Мангуберди жангномасидаги энг оғир манзара, душманга асир тушиши аён бўлгач, онаси, хотини ва фарзандларини дарёга чўктиришидир. Бу саҳнани тасаввур қилиш нақадар оғир ва ўкинчли. Аммо сулола орномуси, Ватан шарафи учун қилинган бу амал авлодлар қалбига ғурур ва ифтихор бағишлайди, Ватанни севишга, номус ва шарафни жон ва қон билан ҳимоя этишга чорлайди.

Ана шу саҳна, шу фожиа атрофида бўлиб ўтган воқеалар, Жалолиддин Мангуберди жасорати ва унинг ўша ҳолатдаги ҳис-туйғулари ҳозирги Эрон адабиётининг буюк намояндаларидан бири Маҳдий Ҳамидий Шерозийнинг «Синд (Жайҳун) тўлқинларида» номли манзумасида тавсифу тасвир этилган. Шакл жиҳатидан лирик, мазмунан эпик асарга монанд бу достон ҳозирги Эрон адабиётида муҳим ўрин тутади. Эрон литсейлари ва университетларининг ўқув дастурига киритилган бу асар ўзбек адабиётсеварларига ҳам манзур бўлади, албатта.

«Синд тўлқинларида» уч қисмдан иборат: биринчи қисм 17 тўртликдан, иккинчи қисм 15 тўртликдан, учинчи қисм эса 2 тўртликдан иборат. Жами 34 байтдан таркиб топган достоннинг биринчи қисмида ғўзал ташбеҳлар, истиора ва киноя каби нозик шеърий санъатлар орқали жанг майдонини, ботаётган қуёшни ва ботаётган қуёш тасвири воситасида хоразмшоҳийлар салтанатининг таназзули, мўғул босқинчилари тиғидан қонга бўялган дарё, юракбағри эзилаётган халқ тақдири буюк бир дарду ўкинч, надоматлар билан тасвир этилади. Саноқли аскарлар билан саф тортган тахтсиз шоҳ икки аждаҳо оралигида тургандай: бири Жалолиддин қасдида келган босқинчи Чингиз лашкари, иккинчиси Синд дарёси. Бу икки аждаҳо орасида қолиш ҳам, кетиш ҳам жасорат талаб этади. Бундай ҳолатда девларни мағлуб этиб, Мозандарон тоғидаги Кайковус ва бошқа ботирларни асоратдан қутқарган Рустамдек шерюракли ботирларгина нажот топиши мумкин, холос. Жалолиддин отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғул қиличидан қўрқиб қочган пайтидаёқ ўз йўлини танлаб олган эди: бу охирги нафасгача қаршилик кўрсатиш ва жанг қилиш йўли эди. Бинобарин, у мўғулларга асир бўлишни тасаввур ҳам қилолмасди. Аммо уни кўпроқ бошқа бир муаммо ташвишга соларди. Бу — ҳарамидаги аёллар ва фарзандлари эди. Шоир ўз қаҳрамонининг шу аснодаги оғир ҳолати, руҳий кечинмаларини ёрқинроқ тасаввур этиш мақсадида манзара тасвирида маҳзун бўёқлар ишлатади: қонли қуёш ботар пайтида Жалолиддин хаёлида шундай бир манзара жонланди — қонга беланган она юрт, кафансиз ўликлар ва ваҳшийлар қўлига асир тушган ойдек аёл, жароҳатланиб, судралиб кетаётган она кийик ва ҳайрону паришон кийик болалари. Султон бу манзарани кўз олдига келтириб, юрак-бағри эзилиб кетади, кўзларидан беихтиёр шашқатор ёш оқади. Ғазаб ва нафратга тўлиб, қиличини қинидан суғуради, отнинг жиловини душман лашкари томонига буриб, мўғуллар бошига қиёмат кунини солади... Жадал ҳаракат қилмаса аёллари ва болалари душман қўлига тушишини сезган. Султон бир неча дақиқа хаёлан дарёга мурожаат қилиб, аччиқ қисматидан нолийди. У ноилож аёлларини дарёга чўктиришга ва ўзи Синдни кечиб ўтишга қарор қилади. Ватан ва номусни ҳимоя қилишнинг бошқа йўли йўқ эди:

***Шабе омад ки мибояд фидо кард,***
***Ба роҳи мамлакат фарзанду занро.***
***Ба пиши душманон истоду жангид***
***Раҳонд аз банди Аҳриман ватанро.***

Достоннинг охирги қисми шоирнинг ватан, она-юрт тўғрисидаги фалсафий-ижтимоий қарашлари билан якунланади. Дарҳақиқат, Жалолиддин Мангубердиларни вояга етказган бу тупроқ нақадар азиз ва мукаррамдир.

**Иброҳим ХУДОЁР,**
**Занжон Университети доктори**

# РАҚС ТУШИШ ОСОН ЭМАС

Рақс инсон туйғуси, ички кечинмаларини ифодаловчи санъатнинг энг нозик, жозибали туридир. Рақс санъати мусиқа билан узвий боғлиқ бўлиб, мусиқий мазмунни очиб беришда тана ҳаракатлари ҳамда имо-ишоралар воситасида тасвир (образ)лар яратади ва мусиқанинг асоси бўлган усулга бўйсунади.

Шарқ халқларида, хусусан, Марказий Осиё ҳудудида рақс санъатининг жуда қадимийлигидан дарак берувчи қоя тошларига ўйилган расмлар, лаган ва кўзалардаги тасвирлар, милоддан олдинги III асрга мансуб Тупроққаъладаги рақсга тушувчи «Ниқоблар зали» ва оловхоналардаги кичик ҳайкалча ва бошқа топилдиқлардан Ислом динигача рақс санъатининг анча ривожланганини билиш мумкин.

Замонлар, динлар ва тузумларнинг ўзгариши натижасида барча санъат турлари каби рақс санъати ҳам мазмун моҳиятини ўзгартира борди. Лекин инсон қалбидаги туйғуларини ҳаракатлар орқали тасвирловчи рақс санъатидан воз кечмади: тўйбазмларда, байрам-сайлларда, зикр тушишда ва бошқа турли шаклларда рақс воситасида ўз ҳиссиётини ифода этишга интилди. «Наврўз», «Қизил гул», «Ҳосил байрам»ларида, элнинг тўй ва томошаларида уларнинг мазмунига монанд рақслар ижро қилинди. Айниқса, «Гул ўйин», «Катта ўйин» «Шодиёна», «Ўйин мақомлари», «Оразбон», «Норим-норим» ва бошқа мумтоз рақс намуналарида юксак фалсафий мазмун акс этган ва бу асарлар бизгача етиб келган.

XIX-XX асрларда Хива хонлиги, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигида рақс санъатининг бир қанча намояндалари маълум. Канарак бува, Худойберган Вовоқ, Уста Шоди Азизов, Уста Олим Комилов ва бошқалар Тамарахоним, Мукаррамхоним, Исаҳор Оқиловга ўхшаган машҳур раққоса ва мураббий устозларнинг етишиб чиқишида катта рол ўйнаганлар. Ўзбек миллий рақс санъатининг шаклланишида уларнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврда ўзбек хореография санъати ривожланди ва «Баҳор» ансамбли тимсолида жаҳонга танилди.

Мустақиллик шарофати билан ушбу санъат турининг ривожига янада эҳтиёж туғилди. Республикамиз Президентининг 1997 йил 8-январдаги «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эса рақс санъатига ҳақиқий ғамхўрлик ва давлат томонидан берилган чинакам эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур Фармон асосида Миллий рақс ва хореография Олий мактаби ташкил қилинди. Республика Хореография билим юрти коллежга айлантирилиши арафасида турибди. Бу борада кенгашлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди, мақолалар эълон қилинди. Фикримизча, бугун ушбу масалага янада чуқурроқ ёндошиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда тўй, базм, турли кечалар, қисқаси, ёшлар қатнашадиган деярли барча тадбирлар рақссиз ўтмайди. Яъни қўшиқ ёки мусиқага қараганда ёшлар орасида рақс кўпроқ оммалашган. Хўш, шундай экан, нега уни эзгулик мақсадида, маънавиятга хизмат қилувчи восита сифатида қўллаш мумкин эмас. Албатта, мумкин. Бунинг учун, биринчидан, фарзандларимизни, айниқса, қизларни боғча ёшидан рақс ўрганишга жалб қилишимиз зарур (кейинчалик у қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар). Ана шунда соғлом, қадди тик, хушқомат, умри узун аёлларга — оналарга эга бўламиз.

Ҳозирги кунда республикамиздаги 320 та болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 35 тасида хореография синфлари мавжуд. Имкони борича уларнинг барчасида шундай синфларни ташкил қилиш керак ва дастур талаблари билан биргаликда, ўша мактаб жойлашган маҳаллий ҳудуд рақс услуби мукаммал ўргатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар бир касбнинг келажагини ёш истеъдодлар белгилайди. Уларни саралаш учун эса танловлар зарур. Ҳозир мусиқа ва қўшиқчилик соҳасида бўлганидек, хореография соҳасида ҳам бошланғич ва ўрта бўғинларда, яъни болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида ҳамда санъат билим юртлари хореография бўлимлари талабалари орасида республика танловлари ўтказиш вақти етди. Бундай танловлар раққосаларнинг ўз касбига қизиқишини орттирса, бошқаларида бу санъатга меҳр уйғотади.

*Мулоҳаза*

Ҳозирги кунда жаҳон рақс санъатининг танго, рок-н-рол, рэп, бал рақслари ва бошқа турларининг юртимизга кириб келиши кузатилмоқда.

Уларнинг ҳеч бирини ёшлар учун таъқиқлаб бўлмайди. Аксинча, ушбу рақсларни ўрганиш, урф-одатимиз, маънавиятимизга тўғри келмайдиган томонларини ўзимизга мослаштиришимиз зарур. Ўзбекистон ёшлари жаҳонга чиқмоқчи бўлса, барча соҳалар сингари замонавий рақс соҳасида ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш эта билишлари керак.

Кўпчилик тўй ва базмларда рақсга тушаётган ёшларимизнинг ёқимсиз, беҳаё қилиқларидан ранжийди. Бу аввало ёшларнинг билимсизлиги оқибатида. Агар ўша ўспирин ёшлигидан боғчада, мактабдаги тўгаракда ёки клубларда рақс деб аталмиш жозибали санъатнинг дастлабки «алифбо»сини ўрганганида ўз қилиқларидан уялган бўлур эди. Зеро, бошқа санъат турлари каби рақс санъати ҳам ривожланган мамлакатлардагига ўхшаш оммавий тарзда ўрганилишга арзийди.

**Ботир МАТЁҚУБОВ**

# «КАТТА ТАНАФФУС»ДАН «АНТИҚА»ГАЧА



Болаликнинг ширин орзулари кўп бўлади. Ҳазрат Навоий ҳам ёшликни бежиз «Умр фусулининг гули ва навбаҳори», дея таъриф бермаган. Айниқса, мактаб даврининг тотли лаҳзалари кўп.

Насриддин ёшлигиданоқ телевидениега ихлос қўйганди. Ойнаи жаҳон орқали турли қизиқарли кўрсатувлар олиб бориш иштиёқида ёнарди. Шунинг учун ҳали талабалик даврида диокомпания-мамлакатларга ришлари дий фаолиятини даёқ Ўзтелерадионинг хорижий радио эшиттириш бўлимида ижобошлади. Бу соҳа сир-асрорларини қунт билан ўрганди. Тажрибали устозлардан мадад олди.

*Танишув*

1996 йилдан бошлаб радиода ишлаш билан бирга, Ўзбекистон телевидениесида болалар учун ташкил этилган «Катта танаффус» кўрсатувини олиб борди. Икки йил давомида ушбу дам олиш дастурининг бошловчиси сифатида ишлади.

«Катта танаффус» кўрсатуви Насриддинга омад келтирди. Аввало, ўзининг астойдил ҳаракат қилиши, ишини яхши кўриб бажариши, қолаверса, устозлари кўмагида кўплаб мухлислар орттирди. Қисқа фурсат мобайнида кўрсатув болаларнинг қизиқарли томошаларидан бирига айланди.

Насриддин Асриддинов ҳаракатчан, изланишдан чарчамайдиган йигит, янгиликка интилади. Айни кунларда у Ўзбекистон радиосида янгитдан ташкил этилган «Ёшлар» каналида бошловчи, шу билан бирга, ушбу каналда эфирга узатилаётган «Шоҳона» мусиқий дастурининг муаллифи ҳамда бошловчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида телевидение билан ҳам ҳамкорлигини давом эттириб, «Ёшлар» каналида намойиш этилаётган «Антиқа» мусиқий дам олиш кўрсатувида муаллифлик қилмоқда.

Албатта, ҳамиша ҳам одам ўйлаган ишларини кўнгилдагидек амалга оширавермайди. Орада юлдузли онлар ҳам, муваффақиятсизликлар ҳам бўлиб туради. Насриддин ҳам бундан холи эмас. Муҳими, у ҳозир елиб-югуриб ишлайдиган, чарчашни билмайдиган ёшда.

— «Шоҳона» дастури эфирга узатилганига бир йил тўлиши муносабати билан юбилей галаконцертини ўтказмоқчимиз, — дейди Насриддин. — Ушбу концерт дастурида таниқли эстрада юлдузлари ва гуруҳлар иштироки мўлжалланган. Асли «Шоҳона» дастурини эфирга олиб чиқишдан мақсад замондош эстрада юлдузларимизнинг овозини келажак авлодга етказиш. Бинобарин, дастуримизга ташриф буюрган барча хонандаларнинг овози олтин фондга ёзиляпти. Насиб этса, «Шоҳона» дастурининг телевизион вариантини ташкил этиш ниятимиз бор.. Токи, яхши қўшиқларимиз телевидениенинг олтин фондларига ёзилиб қолсин.

Ҳа, Насриддиннинг айни кундаги орзулари бир олам. Ижодий интилишлари ҳам шунга яраша. Қолаверса, янги йилда уйланиш ниятида юрибди. Бу борада ҳам унга омад кулиб боқади, деб ўйлаймиз.

**Г. ФАЙЗИЕВА**

# БАХТ ГУЛЛАРИ

*Телепремьера*

Эртакларнинг таъсири баъзан ота, она тарбиясидан ҳам кучлироқдир. Негаки, эртаклар мағзида халқ донишмандлиги, даҳоси ва заковати, орзу, идеаллари яширинган. Буни яхши билган машҳур эртакнавислар — Андерсон, Диккенс, Жорж Санд, ака-ука Гриммлар, Шарл Перро, Топелиус, Оскар Уайльд ва бошқалар болаларни нур ва зулмат олами билан таништириб, уларни эзгулик, яхшилик осмони сари парвозга ўргатадилар.

Ғоят бой халқ поэтик ижодини яратган ўзбек халқининг адиблари Зафар Диёр, Толиб Йўлдош, Турғунбой Ғойибов, Қудрат Ҳикмат, Пўлат Мўмин, Хайриддин Салоҳ, Анвар Обиджон, Абдусаид Кўчимов каби ажойиб эртакнависларимиз ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш учун кўп хизмат қилдилар. Яқинда ўзбек эртакнавислари сафига яна бир муаллиф — Раъно Солиҳова қўшилди.

«Ўзбектелефилм» ижодий жамоасида узоқ йиллар ишлаб, «Усто», «Ҳар доим бўлсин қуёш!», «Алишер Навоий», «Паҳлавон Маҳмуд», «Мирзо Улуғбек» телефильмларини ёзган, «Зангиота», «Абдулхолиқ Ғиждувоний», «Ҳожа Аҳрор», «Шайхонтоҳур», «Ҳўқандий Латиф» телефилмларига муҳаррирлик қилган Раъно Солиҳова халқ ижоди намуналаридан илҳомланиб «Бахт гуллари» эртак-филми сценарийсини ёзди. Бу эртакда ватанимизнинг хушманзара тоғли қишлоқларидан бирида яшаётган одамларнинг ҳаёти, орзу-истаклари икки қизалоқ тимсолида ҳикоя қилинади. Бир қарашда асар сюжети машҳур «Зумрад билан Қиммат» эртагини ёдга туширади.

Филмда ҳам бир хонадон бекасининг икки қизи бор. Бири ўзи туққан, иккинчиси ўгай қиз. Арзанда қизи ҳеч иш қилмайди, уззу кун ясан-тусан, ўйин-кулгу билан овора. Ўгай қиз эса жуда софдил ва меҳнатсевар. Телефилмдаги эртакка ўхшашлик шу билан тугайди. Чунки, муаллиф ўз асарида тоғ қишлоғининг ғўзал табиатини, анҳор сувида отларини чўмилтираётган болаларни, шаҳарда мардикорликда ишлаб қайтган софдил йигит Муродни, унинг укаси Шертойни, камбағал чўпон Обиджон акани, унинг бахил ва маккора хотини Салтанатхонни худди ҳаётнинг ўзидагидай, ҳаққоний бадиий бўёқларда тасвирлайди. Ўгай она қўлида хор-зорликда яшаса ҳам ҳеч кимдан нолимай, камтарлигини, назокатини йўқотмаган Гулнор — оқ кўнгил ўзбек қизи тимсолидир.

Асар сценарийсида самимий ва ҳаққоний тасвирланган. Тоғдаги қишлоқ ҳовлиси ва унинг одамлари такдири бизни бефарқ қолдирмайди. У бизга болалигимиз, ёшлигимиз ўтган ҳовлимизни эслатади, кўзга яқин, кўнгилга яқин бўлиб қолади.

Асар воқеаларининг эртакка хос қисми ҳам бор. Телефилмда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай, оғзидан олов сочиб, Гулнорни севиб қолган Қора Дев билан унинг ёрдамчиси Алвасти асар воқеаларига аралашиб, севишганларни бир-биридан ажратишга уринадилар.

Филмдаги ижобий қаҳрамонларга меҳр қўйиб қоласиз. Чунки уларда халқимизнинг софдиллиги, ҳаёт машаққатларига тоғдай бардоши, ёвузликка нафрати каби фазилатлари яққол кўринади.

Бу ерда ҳатто салбий қаҳрамон, энг ёмон одам — Салтанатхон, ўгай қизини ёқтирмайдиган, арзандаси учун жонини фидо қилишга тайёр аёл ҳам томошабинда нафрат уйғотмайди. Негаки у ҳам ўта ёвуз эмас, ўзини ҳеч ким ҳурмат қилмаётганига ўксиниб, йиғлайди. Унга ачинасиз ҳам.

«Бахт гуллари» телефилми асосан ёшларга мўлжалланган учун ҳам унда самимий, табиий бўёқлар кучли. Ўзбек болалари ҳозирги бозор иқтисоди шароитида эртаклардан узоқлашиб, маънавий бойликлардан узилиб қолаётган бир вақтда шундай бадиий телефилмлар жуда-жуда зарур. Шу маънода филм ижодкорлари режиссёр Мунид Зокиров, сценарий муаллифи Раъно Солиҳова, бош оператор Талъат Мансуровни, бастакор Улуғбек Солиҳовни ва истеъдодли актёрларни яхши асар билан қутлаймиз.

**Маҳкам АНДИЖОНИЙ**

# «ГУЛШАН АРО ГУЛЛАРНИНГ РАЪНОСИ»

***«... Раънонинг исми-жисмига ёхуд ҳуснига мувофиқ тушган эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўринда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, қўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди».***



*Зулфия мукофотига номзодлар*

Абдулла Қодирий бундан роппа-роса етмиш бир йил муқаддам ўз қаҳрамони – «Фарғонанинг куйларига қўшилиб мақталадирган» Раъносини шундай таърифлаган эди.

Қодирий жуда эҳтиёткорлик билан юрагининг меҳрини тўкиб тасвирлаган Раъноси даставвал кинода, сўнг видеофилмда намоён бўлди. Қодирийнинг Раъносини ҳар бир китобхон ўзича тасаввур қилар, кимдир синглисидай, кимдир опасидай, кимдир севимлисидай асраб-авайлаб келарди. Шу сабабдан ҳам Раънонинг «ойнаи жаҳон»да бўлиши кўп мураккаб эди. Чунки у ўзбек китобхонларига чеҳраси билан ҳам, қалби билан ҳам яқиндан таниш бўлиб қолганди.

Демак, Қодирийнинг ҳам, китобхонларнинг ҳам севимли Раъносининг образини видеофилмда яратиш машаққатли эди. Ниҳоят, бу масъулият Дилдора Рустамованинг чекига тушди.

Дилдора ёш жиҳатдан ҳам, самимият, беғуборлик, соддадиллик, гўзаллик, хуллас, кўп жиҳатларда Раъно билан «келиша» оларди. Энг муҳими эса, Фарғона гўзалининг қалбини ўрганиш керак. Албатта, унинг қалбини Қодирий ўргатади. Зеро, Раъно, ўз қалбини Қодирийчалик муфассал билмаган.

Дилдоранинг Раъно билан «танишуви» узоқ давом этди. Икки дугона узун кечаларда сирлашиб, бир-бирини ўргандилар. Бир-бирларини ҳаётда, нафосатда, заковатда, фаҳму фаросатда синовдан ўтказдилар, руҳан дуст тутиндилар.

Шундан кейингина, икки дугона бир бўлиб, битта Раънони саҳнага олиб чиқдилар. Саҳна деганим ғалати-да. Юрак, кечинмалар, воқеа-ҳодисалар, умр, ҳатто кийимларгача, ҳаммаси Раъноники, вужуд эса Дилдораники. Йўқ, фақат вужуд эмас... Бу жараёнда Раъно билан Дилдорани таштирадиган бошқа нарса бор. Бу ТУЙҒУдир. Саҳнада икки қизни айнан туйғулар бирлаштирди.

**«Раъно қанча жиддий бўлса ҳам яна унда болалик табиати бутун кўйи сақланадир: укаларининг ўйинига комил ҳуқуқли бир аъзо тариқасида иштирок этадир, онасининг кўзларини чалғитиб, ўқуғувчи қизлар билан жанжаллашиб оладир, қизлар сабоқларини билмасалар, аразлаб уларни ўқутмай ташлаб кетган чоғлари, арзимаган гапдан тез мутаассир бўлган кезлари кўп бўладир».**

Аслида, Дилдора ҳам бу каби инжиқ хусусиятлардан ҳоли эмас. Унда ҳам «болаликнинг табиати бутун кўйи сақланадир». Аразчилик масаласига келсак, ҳатто суратга олиш жараёнида Дилдора билан Раънонинг бир-биридан аразлаб қолишлари кўп бўлган. Уларни яраштириш учун режиссёр Маҳкам Муҳаммедов ҳар гал анчайин овора бўлганлар. Хуллас, бу икки қизнинг ёши ҳам, табиати ҳам бир-бирига муносиб. Ўзи шундай бўлиши керак эди-да.

Дилдора ҳам худди Раънога ўхшаб ҳеч кимга билдирмай манзумалар, шеър тўқиб юради. Ушбу мақолада унинг машқларидан сизга ҳавола этмоқчи эдик. Лекин, афсуски, у ҳам «ишончли ўз кишисидан» бошқа ҳеч қайга бу сирни чиқармайди.

Шеър – кўнгил сири-да.

Дилдора катта маҳорат мактабининг илк босқичларини, улғайиш пиллапояларининг илк зиналарини мардонаворлик билан босиб ўтмоқда. У ўз таҳсилини жуда катта мактабдан бошлади. Унинг яратган биринчи образи ҳам унча-мунчамас. Нақ Қодирийнинг Раъноси-я!

«Қисқаси, биз юқорида Раънонинг шеърий бир ҳуснини кўрганимиздек, уни фазл ва заковатда ҳам ўткан хон замонлари асрининг нодир учрайдиган якто фозила қизларидан санаймиз ва санашга ҳам ўзимизда мажбурият ҳис этамиз».

Биз ҳам Дилдоранинг замонамизнинг фозила, якто қизларидан бири бўлиб етилишига умид қиламиз. Қолаверса, у айни пайтда ёшликнинг энг гўзал, энг сўлим орзулари билан яшамоқда. Ёшлик ҳамиша орзу-умидлар билан ранг-баранг ва кўркамдир.

**МЕҲРИДДИН**

# ЗОҲИДНИНГ

## *Юсуф Хос Ҳожиб ижодида*

Тасаввуфнинг VIII–IX асрлардаги жараёнида зоҳидлик энг асосий ўрин тутади. Бу зоҳидликда тоат-ибодатдан илоҳий сирларни кашф қилишга ўтишлик бор. Бошқача айтганда, тоатдан маъно излаш ва англанган маънони тавҳидга бўйсундириш жараёни кечди. Бу жараён Фаридиддин Аттор (вафоти 1129 йил) фаолияти билан якунланди. Зеро, зоҳидларнинг чексиз тоат ва тавалло онларида Мутлоқ Руҳнинг сиру синоатига ғарқ бўлинар эди. Шу сабабли Абдуллоҳ Ансорий (XI аср) ёки Бобо Кўҳийда (XI аср) **«зоҳид»** тушунчаси **«илоҳиёт сиридан воқиф киши»**ни англатарди. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ана шундай — замирида маърифат нури порлаган зоҳидчиликни таъриф-тавсиф қилади. Бундай зоҳидчилик нафақат умумтасаввуфнинг, балки Туркистон тасаввуфининг ҳам илк босқичига тегишлидир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг **«Қутадғу билиг»** асаридаги идеал образ Ўзғурмишдир. **«Ўзини билган»** деган маънони англатувчи бу образ Офият (Қаноат)нинг рамзи бўлиб, жамиятдан бутунлай чекилган, тоғдаги ғорда тоат-ибодат билан шуғулланувчи зоҳид-сўфий. Муаллифнинг айтишича, унинг озиғи **«меваларнинг аччиқ данагию майсаларнинг қуруғи»**. Эгнида **«қўй юнгидан тўқилган дағал мато»**. Бироқ уни подшо Кунтуғди (Адолат) ҳам, вазир Ўгдулмиш (Ақл) ҳам эътироф этади. Ана шу масала қизиқ. Нега бир зоҳидга жамиятнинг пешвоси сифатида қаралади? Бу саволга жавоб топишга уринайлик.

Подшо Кунтуғди (Адолат) Ўзғурмишга йўллаган илк мактубида дейди:

**Атанди ўзунг эмди зоҳид ати**
**Бу атинг сенга бўлди таъат йуми**
*(Ўзинг энди зоҳид атандинг*
*Бу ном сенга тоат учун гаровдир).*

Демак, бу ўринда **«зоҳид»** деганда тоат йўлида ўзни фидо этиш тушунилмоқда.

Донишманд вазир Ўгдулмиш (Ақл) тилидан эса Ўзғурмиш зоҳидлигининг ушбу қирралари баён қилинади:

1. Зоҳидлик — кўнгилни тўғри йўлга солиш:

**Валикан эвурди бу дунйада йуз**
**Туруб тағқа кирди кўнгул қилди туз.**
*(Лекин бу дунёдан юз ўгириб*
*Тоққа кетди ва кўнгилни тўғри йўлга солди.)*

Аён бўладики, Ўзғурмишнинг зоҳидлиги кўнгилни ҳақ йўлга бошлаш ва Ҳақни таниш илинжидир.

2. Зоҳидлик — тоат воситасида гуноҳдан фориғланиш манбаи:

**Байат тапғи бирла ўзин эмгатур**
**Тапуғ бирла йазуқ ичин эмлатур**
*(Ҳақ тоати билан ранж чекар*
*Бу тоат билан гуноҳ касалини даволамоқда.)*

Гуноҳни инсон ботинидаги касаллик деб билиш тасаввуфчиларга хос тушунча. Бунинг даъвоси чиндан ҳам **«Ҳақ тоати»**. Ўзгача айтсак, инсон тоат чоғида ўзлигидаги эзгулик нурларини кашф қилади. Бундан кейин ғофилларча (онгсизларча) яшаб бўлмаслигини англаб етади. Энг асосийси, инсон ўз умрининг ўткинчилигини идрок этади. Мана шу туйғу уни уйғотиб юборади. Шу сабабли ахийлар пири бўлган Ўгдулмиш Ўзғурмиш зоҳид ҳақида дейди:

**Менингда йуз устанг анинг эрдами**
**Будунда талуси киши кўдруми**
*(Унинг фозиллиги мендан юз ҳисса ортиқ,*
*Халқ орасида комили, кишилар сараси).*

Таъкидланганларни умумлаштирсак, Юсуф Хос Ҳожиб наздида зоҳидлик бу — **Ҳаққа топиниш билан кўнгилдаги гуноҳ туйғусидан фориғланиб, кўнгилни — фикрни Ҳақ томон йўналтириш ва бу билан чексиз маърифатга, улуғ инсоний фазилатларга, нажиб заковату кучли ақл қувватига эга бўлмоқ, демакдир.** Бундай тушуниш тасаввуфнинг VIII–XI асрлардаги зоҳидликни тушунтиришига мос келади. Кейинчалик, XIII–XV асрларга келиб тасаввуфда зоҳидлик тор маънода, яъни мутаассибларча обид бўлиш мазмунида тушунила бошланди. Энди маърифатли зоҳид тушунчаси **«дарвеш», «қаландар», «солик», «толиб», «сўфий»** каби истилоҳлар замирига сингиб кетди. Зеро, Юсуф Хос Ҳожиб маърифатли, чин зоҳидни одил (Кунтуғди) ва оқил (Ўгдулмиш) кишилардан устун қўяди. Нега? Чунки унинг зоҳидида (Ўзғурмишда) ҳис-туйғу (интуиция) билан фикрлаш, яшаш бор. Бундай одамнинг оёғи ердан узилмайди. Чунки у ғуноҳ туйғусини нажиб инсон бўлишликдаги мезон, деб билади.

Юсуф Хос Ҳожиб Ўзғурмишни **хусусий тарбияга** буюради, унинг тарбияловчи Пири йўқ. Ўзғурмиш тоат воситасида Ҳаққа интилиш билан ўз-ўзини тарбиялаб боради.

Шуниси борки, одил подшо Кунтуғди ва оқил вазир Ўгдулмишлар мана шундай фозил ҳисобланмиш Ўзғурмишнинг фаолиятини дастлаб ёқлашмайди. Чунки улар ижтимоий тартибот масъуллари ва улар ижтимоий ҳаётни фаоллик билан тараққий эттириш фидойиларидир. Ўзғурмиш эса ўзлатнишин. Аввало, Кунтуғди подшо Ўзғурмишга ёзган илк мактубида қуйидаги масалаларга диққатни тортади.

1. Дин йўли шуки, тоат-ибодатни жамиятдан ажралмасдан қилиш лозим:

**Қали бардинг эрса тапуғ қилғали**
**Тапуғ кендта қилғил бу-ул дин йўли**
*(Агар тоат қилгани борган бўлсанг,*
*Тоатни шаҳарда қил, дин йўли шудир.)*

Кунтуғди шоҳ бўлганлиги учун жамиятда Адолат ўрнатиш ва бу ишда ҳамманинг иштирокини истайди. Айни пайтда, бундай қарашда биз Жунайд Боғдодий (IX аср) қарашларининг таъсирини кўрамиз. Тасаввуфнинг Нишопур мактабида — Жунайд Боғдодийнинг Пайғамбар алайҳиссалом фикридаги **«жамиятдан ажралмасдан мутасаввуф бўлиш»** нуқтаси ривожлантирилган ва унинг ғоявий таъсири кучли

Ойгул СУЮНДИҚОВА

# МЕН БЕШИК БОШИДА УМР ЎТКАЗДИМ

Мен бешик бошида
тунлардан ўтдим,
Мен бешик қошида
тонгларни кутдим —
Туманли, ёмғирли, сирли,
оташли,
Мен бешик бошида ҳаёт
кўтардим.

Мен бешик қошида умр
ўтказдим —
Бўронли, юлдузли, ишқли,
қуёшли.

* * *

Неларнидир излагандай
бўламан,
Неларнидир кўзлагандай
бўламан,
Неларнидир сўзлагандай
бўламан...

Излаганим — одамларнинг
қўлидами,
Кўзлаганим — одамларнинг
йўлидами,
Сўзлаганим — одамларнинг
дилидами...

* * *

Сенинг билан кетгим келса
ҳам,
Шамол, мени олиб
кетмагил.
Сендан ўзиб кетиб, елсам
ҳам,
Хаёл, мендан қолиб
кетмагил.
Умидсизлик ғолиб келса
ҳам,
Умид, мансиз яшаб
ўтмагил!..

* * *

Ёмғир, кутганимни билиб
келдингми,
Яна ёлғизлигим толиб
келдингми,
Ёлғиз кўзларимни осмон
билдингми,
Маъюс хаёлларим билан
тўлдингми,
Ёмғир, кутганимни билиб
келдингми...

Нега баҳор билан оқиб
кетмадим,
Тошқин сой ичида қалқиб
кетмадим,
Янги ой нурида балқиб
кетмадим,
Чечакларга шеърим тақиб
кетмадим,
Нега баҳор билан оқиб
кетмадим...

Ёмғир, кўзимдаги
мактубиммисан,
Фақат дилга сиғар
маҳбубиммисан,
Қўл етмас сирларнинг энг
тубимисан,
Айри тушиб бўлмас
матлубиммисан,
Ёмғир, кўзимдаги
мактубиммисан...

* * *

Сен мени тунлари уйғотма,
армон,
Олис юлдузларнинг
шуъласи билан.
Осмон қучоғимга сиғай деб
имкон
Тополмас ҳатто ой нафаси
билан.

Тушда ҳам унларим
титратма, армон,
Умрим довонининг ярмидан
ўтдим.
Шукрким, хотирот
бағридан камон
Ўқларидай жаранг умидни
тутдим.

Руҳимни енголмас зулмат
онлари —
Армон — юрагимнинг тутуни
экан.
Тонг ичган ҳайратнинг тоза
қонлари —
Умид — ҳаётимнинг устуни
экан.

Искандар РАҲМОН

# ОЛАМ БЎЛҒАЙ МУНАВВАР

*Истиқлол бизга она Ватанни қўриқлаш шарафини берди. Зеро, бундай шарафли бурчга ўз Ватанига ўзи эга бўлган миллатгина муяссар бўла олади.*

*Мана шу шарафли бурчни фахру ифтихор билан адо этмоқлик учун биз ўзимизнинг Миллий армиямизни туздик. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ташкил этдик.*

*Бизнинг аскарларимиз бугун майдонларда ўзбекча қўшиқлар айтиб, Ватан ҳимояси учун шахдам қадам ташлайдилар. Ва бу ҳарбий қўшиқлар миллатнинг ғурурини, орини ифодалайди.*

*Искандар Раҳмон ана шундай қўшиқлар битадиган шоир. Яқинда унинг «Жоним фидо Ватанга» номли янги қўшиқлар китоби чоп этилди.*

*Таниқли публицист Нарзулла Жўраев китобга ёзган сўзбошида Искандар Раҳмон шеърлари аҳамиятини шундай таърифлайди: «Армия ва халқ бирлигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз қудрати ва салоҳиятини янада ошириш йўлидаги хайрли ва савобли ишларимизда Искандар Раҳмоннинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги ушбу янги шеър ва қўшиқлар тўплами Ватанимиз посбонларига доимий ҳамроҳ, ҳамкор ва мададкор бўлади, деган умиддамиз. Зеро, ота-боболаримиз: «Қўшиқ айтган етар муродга, тўлар кучга, қувватга!» деб бежиз айтишмаган».*

*14 январ — Ватанимиз посбонлари куни муносабати билан биз аскар ўғлонларимизни Искандар Раҳмоннинг янги шеърлари билан қутламоқдамиз.*

### АСКАРНОМА

Болам, олдим номангни,
Имлоингга тасанно!
Пешонаси ялтироқ
Иқболингга тасанно!

Эсон-омон экансан,
Камолингга тасанно!
Юборибсан сувратинг,
Жамолингга тасанно!

Кўз-кўз қилиб хатингни
Ёр-дўстларга кўрсатдим:
Фахр улар дилида,
Кўзида ёш кузатдим.

Онагинанг гиргиттон
Қадди расо бўйингдан!
Насиҳатим чиқарма,
Болам, асло ўйингдан:
— Дўстларингни авайла,
Қўшин кучи — дўстликда!
Бирлик бўлса ҳамиша,
Эл-юрт яшар тинчликда!

### ОЛАМ ҚИЛАР ТАБАССУМ...

Олам қилар табассум
Она муҳаббатидан.
Одам қилар тараҳҳум
Она мурувватидан.

Олам гуллаб-яшнагай,
Одам хушнуд яшагай
Инсон камолотидан,
Мардлик, жасоратидан.

Олам гўзал, олам ҳур,
Одам топар бахт, ҳузур,.
Тўккан тер, меҳнатидан,
Чеккан машаққатидан.

Одам олам боласи,
Очилган гул-лоласи,
Олам бўлса тинч, аҳил,
Бўлмас одам ноласи.

Одам севса оламни,
Онам деса оламни,
Кечар у роҳатидан,
Вақти, фароғатидан.

Олам бўлғай мунаввар,
Одам бўлғай музаффар —
Дўстлик шарофатидан,
Тинчлик сиёсатидан.

Ўктам ТОЖИБОЕВ

# ШЕЪРЛАРИМ — СУЙГАН ЖОНОНАМ

*Ўктамбекнинг асл касби — алоқачи. Фарғонада яшайди. 1966 йилда Данғара туманининг Боғиш қишлоғида туғилган. Адабиёт, шеъриятга ниҳоятда ихлоси баланд. Ошифта қалбининг кечинмаларини шеърга тўкар экан, унинг шу ошифталикдан бошқа даъвоси йўқ. Шеърлари қўшиқларга айланган. Яккаю ягона илинжи — кўнгиллар аро меҳр-муҳаббат ипларини бойлаб, дил алоқаларини ўрнатиш, мустаҳкамлаш. Таҳририятимиз номидан биз бу камсуқум, камтар қаламкашга омадлар тилаймиз.*

### ҲАЁТ...

Ҳаёт — карвон, туяси
Саҳродан сув сўрайди.
Сабрнинг косасига
Ўргимчак тўр ўрайди...
Ҳаёт — ароқ, қуйилиб
Кайф ярмида тугайди.
Бағрлар кабоб бўлиб
Кир кўрада тутайди.
Ҳаёт — осмон, юлдузи
Армон дейди эскилар.
Шоҳни ҳам гадони ҳам
Меҳмон дейди эскилар.
Ҳаёт — бекат, келади
Ва кетади қанчалар.
Кимдир мағрур яшайди,
Кимлар остона ялар.
Ҳаёт — аччиқ ҳақиқат,
У кимга ҳам ёқарди.
Неча-неча Чўлпонни
Гўрда сочи оқарди.
Ҳаёт — оқбадан гўзал,
Ҳеч кимга қилмас вафо.
Банданг билиб Ўқтамни
Асрагин, қодир Худо!

### ТУТИНГАН АКАЛАРИМ

Б.га

**Тутинган акаларим,**
**Тутинган акаларим,**
**Ҳатто сўнгги ризқимга -**
**Ютинган акаларим.**

**Бек деган ҳам ўзингиз,**
**Тек деган ҳам ўзингиз,**
**Мен қуридим, ўсинг сиз,**
**Тутинган акаларим.**

**Бармоқлари тиллолик,**
**Суҳбатлари жилолик,**
**Эҳ минг битта ҳийлолик-**
**Тутинган акаларим.**

**Кенг қучоқ очиб кутган,**
**Дил десам шароб тутган,**
**Оқибатни унутган-**
**Тутинган акаларим.**

**Беайб парвардигор...**
**Айтдим дилда неки бор.**
**Сиз бор дунё менга тор-**
**Тутинган акаларим!**

**Ёлғизни ёри худо.**
**Сиз мендан бўлинг ризо,**
**Кўришмаймиз, алвидо, -**
**Тутинган акаларим!**

### МЕНИ БИРОВ ТАНИМАЙДИ

Оқар сувдай ўтар умр,
Дилимдан завқ аримайди.
Бой дўстларим юзин бурар -
Мени биров танимайди!
Гоҳи дерлар тўпорироқ,
Сал девона, сал ғамгинроқ...
Бир бандаман, мен ҳам гумроҳ,
Мени биров танимайди!
Ҳаяжондан юзимда тер,
Муҳаррирга ўқийман шеър.
«Шеърларингиз сал бўшроқ» дер,
Мени биров танимайди!
Фаришtам турар хавотир:
Нени ўйлар бизни шоир?
Дилда шеър кўп Ишққа доир...
Мени биров танимайди!
Омад билан бирмас йўлим,
Узатаман етмас қўлим.
Таниса бас икки ўғлим,
Мени биров танимайди!
Соғинчлардан тўяр юрак,
Гоҳо санчиб қўяр юрак,
Қуруқ шоир кимга керак?
Мени биров танимайди!
Ўзинг қўлла мени Оллоҳ!
Ўзинг бўлгин менга паноҳ.
Бир қулингман девонароқ,
Мени биров танимайди!

# ИЗЗАТИ

## тасаввуф тушунчаси

бўлганлиги мутахассисларга маълум. Кейинчалик бу қараш Хожагон — нақшбандийлик тариқатида бош ғоя сифатида қабул қилинганди... Ўзга жиҳатдан олганда эса, Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди подшо тилидан айтилган бу фикр билан зоҳидликни жамият муолажасига ундайди. Бу унинг замони учун зарур эдики, Қорахонийларнинг марказлашган давлатчилиги кучли мафкурани тақозо этарди.

2. Тоат-ибодат маърифатга асосланган бўлиши шарт:

**Билиг ўгран ашну тапуғқа ўкуш**
**Билигсиз тапуғ асғи бўлмас улуш**
*(Тоат қилиш учун аввал билим ўрган,*
*Билимсиз тоатнинг нафи кўп бўлмайди.)*

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб зоҳидлик бу — тафаккур қилишликдир, деган фикрида собит қолади. Зеро, қадим мутасаввифлар VIII–XI асрлар мобайнида тоатдан маънавий завқ олиш хусусида қатъийлик кўрсатдилар. Шу маънода бу ўриндаги Юсуфнинг «тоат учун аввал билим ўрганиш» фикрида қадим мутасаввифларнинг таъсирини кўрамиз. Айни пайтда бу фикрнинг подшо тилидан айтилаётганлиги эътиборлидир.

3. Қилинаётган тоат ўзганинг манфаатларига ҳам хизмат қилиши лозим. Унга кўра Кунтуғди подшо «халққа фойда келтириб, етим-есир, бева-бечоралару ногиронлар ҳолини сўрашни, жамоат билан намоз ўтаб, ҳалол молу дунё топиб муҳтожларга тарқатишликни» чинакам тоат ҳисоблайди ва дейди:

**Бу санамиш тапуғ барча таъат турур**
**Бу таъат била барча роҳат турур**
*(Бу саналганлар барчаси тоатдир,*
*Бундай тоатдан барча роҳат кўради.)*

Диққат қилинса, Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди подшо воситасида жамиятдан ажралмасдан зоҳидлик қилишликни, яъни кишиларга фойда келтириш билан Ҳақ ризосига эришиш ғоясини илгари суради. Бир қарашда бу маълум фикр. Лекин унда «Ҳақ ризоси» тушунчаси яхши шарҳланган. Унга кўра, кишининг ҳаққини ўташ раҳматга нойилликдир ва зоҳидлардаги бир ният ҳам шу эди. Аммо Кунтуғди подшо фикрича ёлғиз тоат қилиш (узлатнишинлик) билан раҳматга нойил бўлиб бўлмайди:

**Тапуғқа инаниб қайғу эрса кул**
**Булумади тенгри севинчига йўл**
*(Ҳеч бир банда фақат тоатга ишониб,*
*Ҳақ севинчига йўл топа олмади.)*

Бу подшо кишининг зоҳидлик туйғусидаги фикри. Унга биноан, ҳар бир зоҳидона ҳаракат жамиятга фойда келтирсин! Тўғри фикр. Бироқ бу масалада яна бир фикр бор. Энди ана шу иккинчи фикр билан танишинг.

Гап шундаки, Юсуф Хос Ҳожиб Ўзғурмиш зоҳиднинг ўз тилидан зоҳидлигининг моҳиятини ҳам очиб беради.

*Тадқиқот, ахборот*

Ўзғурмиш уни Кунтуғди подшонинг мактубини олиб келган Ўгдулмиш билан бўлган баҳсда баён қилади. Ўзғурмиш нега зоҳидлик йўлини тутганлигини қуйидагича изоҳлайди.

1. Ўз иймонининг заифлигини сезди:

**Бақа кўрдум эмди диним йиглики**
**Бу йерда кўрунди ўзум йеглики**
*(Назар солиб иймоним заифлигини кўрдим,*
*Шу сабабли бу ер (узлат) менга афзал кўринди.)*

Маълум бўладики, Ўзғурмиш зоҳидликни иймонни қувватлантириш манбаи деб тушунади. Бу эса ёлғизликда (ўзлатда) амалга ошади. Зоҳид сўфийлар шундай йўл тутишган. XII асрдан кейин эса бу ишда тариқат Пирлари ўзгача йўл тутиб, ўз муридлари иймонини мустаҳкамлаш учун суҳбат усулидан фойдаланганлар...

2. Зоҳидлик — нафсдан ғолиб келишликдир:

**Ҳава нафс била кўр йағи-ул улуғ**
**Бу икки азитур тапуғчи қулуғ**
*(Хою-ҳавас ва нафс улуғ ёвдир,*
*Бу иккиси тоатчи қулини йўлдан оздиради.)*

Демак, Юсуф ҳою-ҳавас (манманлик, кибр) ва нафси аморадан (ноинсоний хислатлардан) фориғ бўлишликни узлат маърифатида кўради.

3. Зоҳидлик — ўзни тарбия этиш билан ўзгага яхшилик қилишдир:

**Кишида ўнгин бўлдум эрса қали**
**Куруқ сўзламас — мен на ғийбат тили.**
*(Кишилардан четлашган бўлсам ҳам*
*Бекорга сўзлаганим ва ғийбат қилганим йўқ.)*

Эътибор қилинса, Юсуф Хос Ҳожиб Ўзғурмишнинг зоҳидлигини тасаввуфона изоҳлайди: «тили ва қўлидан бировга озор етмайдиган» (ҳадис), «ўзини одоблаш билан ўзгага яхшилик қилиш» Демак, зоҳид – сўфийлар ўз зоҳидликларида жамият ва инсонга зарар етказмасликни кўрадилар. Шу сабабли бўлса керак, кейинчалик Имом Ғаззолий «Эҳё улум ад-дин»да деганди: «Билки, зоҳидлик — арбобларнинг (яхши фазилатли кишиларнинг) ўзларини комиллаштириш манбаидир». Бу ўринда биз Ўзғурмиш зоҳиднинг ўз-ўзини комиллаштиришга интилганини кўрамиз. Унинг комиллиги шундан иборатки, алалоқибатда у бундай тушунчага келган: «Халқнинг (будуннинг) кўнгли нозик, унинг кўнгли синса тикланмайди. Синган кўнгилни тиклаш Ҳақ таолога манзур бўлиш билан тенгдир». Зеро, Ўзғурмиш ўз зоҳидлигини ўзгага қилинган адолат, деб билади. Негаки, ҳадиси шариф ҳукмига кўра, «яхшилик қўлдан келмаса, ўзни ёмонликдан тийиш ҳам яхшилик билан баробардир».

Бизнинг назаримизда, Кунтуғди подшо ва Ўзғурмиш зоҳид зоҳидлик борасида битта моҳиятни сўзлашмоқда. Агар Кунтуғди подшо зоҳиднинг жамиятда фаолиятда бўлишини истаса, Ўзғурмиш зоҳид эса унинг зоҳидлиги ҳам ижтимоий фаолиятнинг бир тури эканлигини уқтиради. Подшо бировга манфаат етказ, дейди, зоҳид эса бировга юким тушмаётганлиги билан манфаат етказмоқдаман, деган фикрда. Иккиси ҳам бир ҳақиқатни икки томондан кўради.

**Абдумалик ЁҚУБОВ**

*Доимий ҳамроҳ*




Таниқли адиб Шукур Холмирзаевнинг адабиётга кириб келганига қирқ йилдан ошди. Бу давр ичида ёзувчининг ўнга яқин ҳикоялар тўплами, тўртта қиссаси, бешта романи, икки драма, бир неча эссе ва публицистик мақолалари нашр этилди. Унинг ҳар бир асари адабий жараёнда янгилик сифатида қизғин қабул қилинди, айниқса, ҳикоялари баҳс-мунозараларга асос бўлди. Адибнинг бадиий ижоддаги улкан ютуғи асарларининг ўзига хослигида, яъни ҳикоя, қисса ва романларининг давр сиёсати, мафкураси таъсиридан холи яратилганида, уларда ҳаёт, инсон умри, кечинмалари таъсирчан ва холис тасвирланганидадир.

Яқинда «Қатортол-Камолот» ишлаб чиқариш-нашриёти томонидан чоп этилган адабиётшунос олим Ҳакимжон Каримовнинг «Шукур Холмирзаев ижодий портрети» рисоласида ёзувчи ижоди деярли тўлиқ қамраб олинган. Хусусан, рисоланинг «Ҳаётнинг «шафқатсиз» тасвири» бобида Шукур Холмирзаевнинг «Бодом қишда гуллади» тўпламига кирган ўнлаб ҳикоялари таҳлил этилган бўлса, «Характер ва маҳорат» бобида «Тўлқинлар» («Букри тол»), «Ўн саккизга кирмаган ким бор...» сингари қиссалари борасида мулоҳаза юритилади.

Шукур Холмирзаевнинг биринчи «Сўнгги бекат» номли романи 70-йиллар охирида кўп баҳс-мунозаралар уйғотган, адабий жараёнда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлган эди. Шундан сўнг адибнинг «Қил кўприк», «Йўловчи», «Олабўжи» ва «Динозавр» номли романлари эълон қилинди. Рисоланинг «Олам ва одамнинг бадиий талқини» бобида ана шу асарларнинг илмий таҳлили, муаллифнинг образ яратиш маҳорати, романлар замиридаги катта фалсафий фикрлар ҳақида мушоҳада юритилади. «Ҳақиқат ҳикмати» бобида эса адиб қаламига мансуб «Қора камар» драмаси ҳамда таниқли ўзбек ёзувчилари, санъаткорлари ҳақидаги эсселари таҳлил этилади.

Рисола олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун қўлланма сифатида тавсия этилган.

«Рангин туйғулар сувратини чизишни мўйқалам эмас, жозибали сўз сеҳри билангина уддалаш мумкин. Муҳаббатнинг беқиёс завқи ва азиятлари, озод юртимизнинг бетакрор манзараларини, юртдошларимиз руҳиятининг серқирра жиҳатларини мусаввирона тасвирлаш орзусидаги шоир мазкур китобида сизни ҳам мулоқотга чорлайди, дунё ва атрофимиздаги кишилар ҳаётига лоқайд бўлмасликка даъват этади». Ушбу таъриф истеъдодли шоир Турсун Алининг ўтган йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Уйғоқ сукунат» номли янги шеърлар тўпламига ёзилган сўзбошидан.

Дарҳақиқат, шоир мазкур мажмуасига озодлик ҳавосидан эркин нафас олаётган юртни мадҳ этувчи бир туркум шеърларини жамлаган. «Озодлик» шеърида Турсун Али Ватан ўтмишини, мустамлакада бўлган йилларини босиринқи тушга ўхшатади ва бундай оғир уйқудан уйғонган алпнинг қуйидаги эътирофи адолат тантанасидай жаранглайди:

***Букун уйғондим***
***Алпомишдай,***
***Атрофга қарайман***
***масрур.***
***Энди кўриб,***
***таниб қўй мени,***
***Эй, оқ соч дунё.***

Очиқ кўнгилнинг содда, самимий тилаклари, инсон қалбининг йил фаслларига монанд турли хил турланиш манзаралари, юракда узлуксиз кечадиган ҳам сурурли, ҳам маҳзун дақиқаларнинг таъсирчан ифодалари «Уйғоқ сукунат» мажмуасидаги шеърлар мундарижасини бойитган, унинг ранг-баранглигини таъминлаган. Мазкур тўплам шеърият мухлисларига камтарин шоирнинг жозиб туҳфаси сифатида маъқул келади, деб ўйлаймиз.

Мажмуага Ж.Субҳон муҳаррирлик қилган. Мусаввир Ю.Габзалилов.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти профессори, таниқли театршунос Тешабой Баяндиевга рафиқаси

**Мунира КОМИЛОВА**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновга акаси

**Бекжон**
**ҚЎШЖОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси «Тафаккур» журнали бош муҳаррири ўринбосари Абдулла Аъзамовга падари бузруквори

**Аъзамқул ота**
**ХОЛДОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти бош муҳаррири Бобур Алимовга онаси

**ТУРСУНОЙ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

*«Шум бола» чойхонасида туғилган ҳангомалар*

### ҚАССОБНИНГ КИЛОСИ

Афанди уйда гўшт тугаганини билиб, ўйланиб қолибди: «Хотиним гўштни бир ўзи қовуриб ейдиган одат чиқарди. Гўшт қани, десам, нуқул «Мушук еб қўйибди», дейди. Бу гал уни, албатта, қўлга тушираман».

Бозорга отланишдан авval Афанди мушукни тарозида тортиб кўрибди — роппа-роса бир кило. Кейин қассобхонадан бир кило гўшт олиб келибди. Хотини, одатига кўра, Афандининг йўғида гўштни қовуриб, паққос туширибди. Афанди келиб сўраса, бамайлихотир: — «Шу мушукни йўқотмадингиз-йўқотмадингиз-да, қаранг, яна гўштни еб қўйибди...», дебди.

Афанди мушукни тарозига солибди: бир кило етти юз грамм.

— Менга қара хотин, — дебди Афанди ҳайрон бўлиб, — бозорга боришдан аввал мушукни тортиб кўрган эдим, роса бир кило чиққанди, гўштни мушук еган бўлса, нега энди у бир килою етти юз чиқиши керак? Бу ерда бир англашилмовчилик бор...

— Ҳмм, — дебди хотини ўйланиб туриб, — гўштни қайси бозордан олган эдингиз?

— «Олой» бозоридан, — дебди Афанди.

— Унда тушунарли, — дебди хотини, — бу бозор қассобларининг бир килоси етти юз граммдан ошиқ чиқмайди.

### БИРОВНИКИ...

Афанди йўлда бораётган экан, кўзи бирданига тупроққа қоришиб ётган битта 100 долларликка тушиб қолибди. Қўлига олиб қараса, пулнинг ўртасидан унга бир нуроний одам ўйчан, олимона боқиб турганмиш.

— Э, кечирасиз, бу сизникимиди, — дебди-да, дарҳол жойига қўйиб, йўлида давом этибди.

### ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Дуохонлик билан шуғулланадиган бир кишининг олдига ёш, янги бойваччалардан бири келиб ҳасрат қилиб қолибди:

— Отахон, ёрдам беринг, қанча десангиз бераман...

— Хўш, хўш, — дебди дуохон қизиқсиниб.

— Аввалги хотинларимдан ҳам фарзанд бўлмаган эди, кейингисидан ҳам умид йўққа ўхшайди. Кассобимнинг тижоратчилик, ишим бошимдан ошиб ётибди. Қулоқ қашишга вақт йўқ. Яхшилаб дуо қилсангиз, зора...

Дуохон яхшилаб дуо қилибди. Бойвачча унга бир даста пул берибди. Дуохон яна қайтадан дуо қилибди. Бойвачча яна пул берибди.

— Мана сизга яна пул, — дебди бойвачча, — ҳар куни дуо қилиб туринг, хўпми?

— Хўб, — дебди дуохон, — дуони мен кетини узмай тураман, аммо, ўғлим, ўзинг ҳам сал ҳаракат қилгин-а...



# ҚУНҚОРГА ўхшаган қўй...

***Ҳажвчи Абдуғани Абдувалиевни яхши биласиз, матбуотда, радио ва телевидениеда номи тез-тез кўриниб туради, ёзганларига юборилган қалам ҳақи баъзан адашиб Ўшга — Абдуғани Абдуғафуровга бориб қолса ҳам, ё аксинча, ўшлик ҳажвчи акамизнинг меҳнат ҳақлари Наманганга ўтиб кетса ҳам, парво қилмай, тинимсиз ёзаверади. Гоҳи-гоҳида чойхонамизга ўз ташаббуси билан меҳмон бўлиб туради. А. Абдувалиевни билмаган одамларга айтиб қўйишимиз мумкин — у кўчада юрса ҳам, бозор ораласа ҳам қўлида қалам, одамларнинг нутқига, ҳатти-ҳаракатларига зимдан назар солади, теша тегмаган ибораларни дарҳол ён дафтарига туширади. Масалан, у қоқ пешинда Чорсу бозоридаги гўшт дўконида пайдо бўлди, дейлик. «Э, ҳажвчининг уйида гўшт тугабди-да» деб ўйламанг, билингки, гўшт растасида янги қассоб бола пайдо бўлган. Бу боланинг лаҳжаси қанақа, лаҳмнинг ичига муштдек суяк ёки калла-почани яшириш маҳорати қандай, пичоғининг учи тарозининг бир палласига текканда, «тиқ» этган овоз чиқадими, чиқмайдими — шуни аниқлагани келган.***

***Абдуғани Абдувалиевнинг бир неча китоблари чоп этилган. Яқинда ҳажвчининг мухлисларига янги тортиғи босмадан чиқди. У «Гапирадиган қўй» деб номланади. Муаллиф китобчанинг дастлабки нусхасига шахсан ўзи дастхат ёзиб «Шум бола»нинг чойхонасига жўнатибди. Унда жумладан шундай сатрлар бор: «Ҳурматли «Шум бола!» Ушбу гапирадиган қўй аслида Ўнғор тоғлари ёнбағирларида боқилган... қўчқор! Истаган жойда бемалол уриштиришингиз мумкин...»***

***Демак, кўп мулоҳазалардан кейин бир овоздан тушуниб олдикки, қўй — бу қўй, агар у гапирадиган бўлса — қўчқор! Шунисини билмаган эканмиз. Хурсанд бўлиб «гапирадиган қўй» ниқобидаги «қўчқор» саҳифаларини варақлаймиз. Адибнинг янги ёзган ҳажвиялари «Тўнка», «Тарихий супа», «Қиёмий» ва бошқалар.***

***Ҳамкасбимизга янги ижодий парвозлар тилаб, унинг ижодидан баъзи намуналарни ҳукмингизга ҳавола этамиз.***

# БИТТА ЧЕКАЙЛИК

У сув остидан бош кўтарган илондек кўрсаткич бармоғини шундоқ юқорига кўтариб: «Битта чекайлик, отам», — деди. Сўнг жаврай кетди.

— Бир пачка бир кунга етмайди. Бировдан тиламайман, дейман — тилайман. Гугуртни чақинг... «Родопи» экан, а? Филтрли чеколмайман. Ҳа, майли, Йўқдан кўра, бор...

У сигаретни мириқиб тутатиб, юзимга пуфлади. Кейин кўзимга тикилиб туриб сўради:— Ҳей, кўзойнак тақяпсизми? Шу ёшда-я, нечага кирдингиз?

— Қирқ саккизга.

— Ёш бола экансиз. Айб. Шу ёшда кўзойнак тақиш — айб. Камроқ ўқинг. Мана мен, элликка кирдим. Кўзойнак нималигини билмайман. Қирқ чақирим наридан тангани кўраман. Ҳов, кўряпсизми... Ҳов, мўюлишда... Қизил кўйлак, сумка кўтарган официантка. Бегона хотинни қирқ километрдан танийман. Шу, ҳозирги арақлар, ўлай агар, қирқ градус эмас. Ҳидиям бир расво. Керосин қўшадими, дейман. Шуям дефицит. Ҳой, инсоф қолмади. Олти юзгаям йўғ-а. Сигаретдан яна бир дона бериб қўйинг. Раҳмат. Ҳей, лекин сизга кўзойнак ярашмас экан. Тақманг. Одам тез қарийди. Мана, мен, тақмайман, отдайман. Ўҳ-ҳў-ўҳ-ҳў, ўҳ-ҳў-ўҳ-ҳў-ў... Айтдим-ку, филтрли ёқмайди, деб... Шу биттаси «арақ, сигарет кўзга зарар», дейди. Бекор айтибди. Қирқ йилдан бери чекаман, ичаман. Кўзим мушукникидек ўткир. Ҳов, ана, одамлар ичяпти. Кўрдингизми? Кўчанинг нариги бетида. Бочкада. нима экан-а?

— Пиво.

— Пиво эмас. Ўлай агар, пиво эмас. Квас. Гаров ўйнайсизми? Ё пивомикин?.. Бирга ўтайликми?

— Вақтим йўқ, ишим зарил.

— Шошманг. Сигаретдан яна битта ташлаб кетинг. Запас. Яшанг. Отангиз ҳам сахий одам эди. Биз сиз билан ота қадрдонмиз, асли. Ҳа, шундоқ, Раҳматли яхши одам эдилар.

— Нима деяпсиз? Менинг отам ҳозир футболга кетдилар.

— Ёпирай! Қўшнимиз Абжаббор аканинг ўғлимисиз?.

— Мен болаларингизнинг ўқитувчисиман-ку! Улар нуқул икки оляпти. Яқинда мактабга чақиртирсак, чиқмадингиз.

— Ие, танимаганимни қаранг. Кўздан қолибмизда, а. Битта чекайлик.

# «ЁСТИҚДЕК КИТОБДАН УЧ САҲИФА»

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг номи элимизда машҳур.

Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Каримов кинода ва «Ойнаи жаҳон»да яратган ва яратаётган образлар эса томошабинлар томонидан ҳамиша завқ-шавқ билан кутиб олинади.

Машҳур кулги устаси, марҳум Ҳасан Йўлдошев ҳақидаги ичакузди ҳангомалар эса ҳали-ҳамон оғиздан-оғизга ўтиб юради.

Мабодо ҳажвиётимизнинг ана шу улкан намояндалари ҳақидаги қизиқ-қизиқ гаплар бир муқова остига тўпланса «ёстиқдек китоб» бўлиши турган гап.

Ёзувчи Эркин Усмонов бўлса ўзининг янги тўпламини камтарлик билан «ЁСТИҚДЕК КИТОБДАН УЧ САҲИФА» деб атабди.

Устоз адиб ва машҳур кулги усталари ҳаётидаги ажабтовур воқеа-ҳодисалар, уларнинг ўзига хос гап-сўзларию бошларидан кечирган ҳангомаларига бағишланган ушбу китобча куни кеча Абу Али ибн Сино номидаги нашриёт томонидан чоп этилди.

Тўплам «Кулги шифохонаси» туркумида босилган бўлиб, уни ҳажвчи-рассом Маҳмуд Эшонқулов безаган. Масъул муҳаррир — Илҳом Зойир. Нашриёт муҳаррири — Ботир Мансуров. Адади 5000 нусха.

Қисқаси «Шум бола чойхонаси»нинг кутубхонаси яна бир қувноқ китобча билан бойийдиган бўлди, азизлар!

**ШУМБОЛА**

# ҚИТМИРНИНГ ЁН ДАФТАРИДАН

Таниш-билиш омон бўлса, ранги-рўйи сомон бўлмас.

* * *

Тафтишчи кирса эшикдан, ризқи кирар тешикдан.

* * *

Пора олсанг тоза ол, бир тийин ҳам қолмасин.

* * *

Танқид — келажакнинг, хушомад — ҳозирнинг меваси.

* * *

Бир кун ароқ ичган жойга қирқ кун салом.

* * *

Бошлиқларга эгилгин бошинг ерга теккунча,

Ходимларга кекайгин бурнинг кўкка етгунча. * * *

Гап келганда отангни аяма, лекин бошлиғингни ая.

* * *

Йигит моли ерда, қизники бўхчада.

* * *

Чўнтагида дипломи бўлмаса, бозорга даллол бўлмайди.

* * *

Эрни эр қилган ҳам хотин, пул бериб шер қилган ҳам хотин.

* * *

Маникюр қилсанг, майли, мани кўр қилмагин.

*Бехабар қолманг!*

# СИЗ КУТГАН ЭЪЛОН

***Ўзбекистон халқ артистлари, ҳофизлари, хизмат кўрсатган санъаткорлар диққатига!***

«Ўзбекнаво» гастрол–концерт бирлашмаси Ўзбекистонда яшаб, ижод этаётган машҳур хонандалар, созандалар, бадиий сўз усталари ва аскиячиларни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда халқаро ахборот тармоғи – Интернет орқали мухлисларга янада яхшироқ тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида санъаткорлар ҳақидаги маълумотларни йиғиб, «Ўзбекнаво» юлдузлари» маълумотнома китобини чоп этишга киришилди.

Маълумотнома китоби 2000 йилнинг 1 чорагида босмадан чиқади. Ушбу маълумотномадан жой олишни истаган санъаткорларни қуйидаги саволларимизга қисқа ва лўнда жавоб беришларини илтимос қиламиз.

**Исмингиз, отангизнинг исми (паспортга мувофиқ). Таҳаллусингиз (агар бор бўлса).**

**Туғилган йилингиз ва жойингиз.**

**Ота-онангиз, оилангиз ҳақида қисқача маълумот.**

**Қайси ўқув юртида таҳсил олгансиз, қачон? Мутахассислигингиз?**

**Қайси идораларда қандай лавозимларда хизмат қилгансиз?**

**Қайси вилоят ва мамлакатларда ижодий (гастрол) сафарларда бўлгансиз? Қандай танлов ва фестивалларда иштирок этгансиз ва қандай натижаларга эришгансиз?**

**Қайси бастакор, шоир ёки ёзувчи билан кўпроқ ижодий мулоқотда бўласиз?**

**Севиб ижро этган асарларингиз?**

**Устозларингиз кимлар?**

**Қайси халқларнинг тилларида куйлагансиз ёки куйлаш ниятингиз бор?**

**Машҳур санъаткорлардан кимларга ҳавас қиласиз?**

**Тақлидга муносабатингиз...**

**Мустақил ўтказилган концерт дастурларингиз – номи, қачон, қаерда?**

**Ўзбек миллий қўшиқчилигининг янги асрдаги ҳолатини қандай тасаввур қиласиз?**

**Миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг қайси жиҳатлари сизни кўпроқ ўйлантиради, ташвишга солади?**

**Чоп этилган (аудио, видео, кассета, грампластинка, компакт диск) асарларингиз?**

**Столингиз устида (ёстиғингиз остида) турадиган китобларингиз, энг севимли ёзувчингиз ёки бадиий асар.**

**Санъатдан бошқа яна қайси соҳаларга қизиқасиз?**

**Ўз гуруҳингиз борми?**

**Режаларингиз..**

**Қандай мукофотлар олгансиз? Қачон?**

**Доимий яшаб турган манзилингиз, телефонингиз.**

Жавобларингизни иккита рангли фотосуратингиз билан бирга шу йилнинг 15 февралига қадар бирлашмамизнинг Ижодий уюшмалар билан алоқалар бўлимига ёзма равишда етказиб беришингизни илтимос қиламиз.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2-уй.

Мулоқот учун телефон: 1376342

# МУНАВВАР ҚОРИ ГОГОЛГА ИХЛОС ҚЎЙГАНМИ?

## ёки «Топган – топалоқ»дан чиққан муаммо

Газетачилик экан-да, гоҳо ўқувчиларга муҳокама, баҳс учун мавзулар бериб турилади. Аммо «Топган – топалоқ» рукни остидаги навбатдаги жумбоқ суратни эълон қилаётганимизда бу топшириқнинг шу қадар мушкуллашиб кетишини сира ўйламаган эдик.

Газетанинг 1999 — йил 10 декабр сонида эълон қилинган суратда ким тасвирга туширилганлигини топиш керак эди. Орадан икки-уч кун ўтибоқ мухлислардан дастлабки жавоблар кела бошлади. Кўпчилик суратдаги киши Абдулла Авлоний эканлигини ёзишди. Ўн бешта жавобда Мунаввар қорининг номи келтирилади. Бир неча киши суратда бошқа ҳеч ким эмас – Беҳбудий домла тасвирланганлигини таъкидлайдилар. Амударё тумани, Қипчоқ қишлоғида яшовчи Махсуд Абдуллаевлар оиласида эса якдил бир қарорга келинмаган – Махсуджон суратдаги кишини Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон деса, рафиқаси Абдулла Авлоний деб тортишиб қолишган. Қозоғистонлик мухлисимиз «Абайлиги нақд кўриниб турибди-ку» дея бизга қўнғироқ қилса, қўшни қирғизистонликлар ўзимизнинг Тўхтағул бўлса керак, деб тахмин қилишади.

Жавоблар турфа хил бўлиб турганида, бирданига қизиқ ҳолат юз берди – таҳририятга қилинаётган қўнғироқларда ҳам, ёзилган мактубларда ҳам фақат бир кишининг номи айтила бошланди: «Суратдаги киши Абдураҳмон Содиқ ўғли Сайёҳ». Қизиғи шундаки, улар энди ўз жавобларини тахмин тарзида эмас, жуда аниқ қилиб, топишмоқни топганларига ишончлари комил эканлигини ишора қилиб, бунинг устига Абдураҳмон Содиқ ўғли Сайёҳ жаноблари ҳаётлари ва ижодий фаолиятларидан етарли даражада мисоллар келтириб, ҳаммамизни лол қолдира бошлашди.

Очиғини айтсак, ушбу жумбоқ-суратни эълон қилишдан аввал биз унда ким тасвирга туширилганлигига ишонч ҳосил қилган эдик, баъзи мутахассислар, адабиётшунос олимлар билан маслаҳат ҳам қилгандик, шунга кўра суратдаги киши Мунаввар қори ҳам, Беҳбудий ҳам ва ҳатто Абдураҳмон Содиқ ўғли Сайёҳ ҳам эмас эди. Шунга қарамай, жавоб мактубларида фақат бир кишининг – Сайёҳнинг номи тилга олина бошланди. Бошимиз деярли қота бошлаганида мухлислардан бири қўнғирок қилиб «Нега бошингизни қотирасизлар, «Гулистон» журналининг 1999 йилги 4-сони, 40-бетини очиб кўринглар, ҳаммаси ойдай равшан бўлади-қолади», деди.

Журналнинг айтилган сони, айтилган бетини очиб қарасак, биз топишмоқ тарзида эълон қилган суратимиз журнал саҳифасидан бизга ўйчан боқиб турибди. У адабиётшунос олим Сирожиддин Аҳмаднинг «Йўқолган одам» сарлавҳали бадиасига илова қилинган. Сарлавҳа остига «Абдураҳмон Содиқ ўғли Сайёҳ ҳаётига чизгилар» деб ёзиб қўйилган.

Ана холос, наҳотки теғирмончи деб кўсани уйғотиб қўйган бўлсак? Дарҳол «Гулистон»даги ҳамкасбларимиз билан боғланамиз. Бадиа муаллифи кутилмаганда бутунлай бошқача тахминни айтиб қолса бўладими: «Суратдаги киши Абдураҳмон Содиқ ўғли Сайёҳ эмас, у Мунаввар қори!» Э, буниси қандоқ бўлди энди? Сирожиддин Аҳмаднинг айтишича, ушбу бадиа саҳифаланаётганда сурат тагидаги тагсўз тушиб қолган... Масала кутилмаганда янада жиддийлашди. Кейинги пайтларда ўз саҳифаларида қатор қизиқарли мақолалар эълон қилаётган «Гулистон» мухлислари айни шу бадиага асосланиб, суратдаги кишини Сайёҳ дейишган эди-ку!

Биз бадиа муаллифидан, агар суратдаги киши Мунаввар қори бўлса, бундай дейишга қандай асослар бор эканлигини изоҳлаб беришни илтимос қилдик, аммо илтимосимиз илтимослигича қолди.

Хўш, биз, таҳририятда ушбу суратни эълон қилишдан аввал уни ким деб ўйлаган (ишонган) эдик? Рус ёзувчиси Александр Иванович Куприн деб! Ҳа, Куприн жаноблари-нинг ўзи деб. Бундай дейишимизга ва ҳамон шу ишончда қолишимизга асослар борми? Бор!



Худди шу ўринда таҳририятга келган бир мактубни ҳукмингизга ҳавола этамиз. Уни таниқли таржимон, тилимиз жонкуяри Эркин Жабборов ёзиб юборганлар:

«Газетанинг 1999 — йил 10 декабр сонида эълон қилинган топишмоқ-суратни кўрдиму бундан ўн йилча бурун қилган таржималаримни эсладим. Чунки худди шу суратнинг нусхаси менда бўлганлиги ёдимга тушди. Уша йилларга оид архивимни кўра бошладим. Ниҳоят, муқовасига «Ойдин кечада», «Дарахтзор», «Қалб иштиёқи», «Гамбринус», «Суламиф», «Муқаддас севги» деб ёзиб қўйилган папкага навбат келди. Булар рус ёзувчиси Александр Иванович Куприн ҳикоялари, повестлари таржимасининг қўлёзмалари эди. Улар ичидан газетада эълон қилинган суратни топдим. Уни менга отахон таржимонимиз Ваҳоб ака Рўзиматов берган, суратнинг тескари томонига ёпиштирилган оқ қоғоздаги «1912 — йил. А. И. Куприн ўзининг иш кабинетида» деган ёзув ҳам шу устознинг дастхати эди.

Топишмоқ – суратда А. И. Куприн тасвирланганига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бунинг далиллари ёзувчининг рафиқаси Мария Карловна Куприна – Иорданскаянинг «Годы молодости» («Ёшлик йиллари») деган эсдаликлар китобида бор. Китобнинг Москвадаги «Художественная литература» нашриёти 1966 — йилда чиқарган нусхасида А. И. Куприннинг 1901 — йилда (китобнинг 80-бетида) ва 1905 — йилда (208-бетда) якка тушган суратлари берилган, 308-бетида эса 1914 — йил ёзида А. И. Куприн италиялик артистлар орасида тургани тасвирланган. Ана шу суратларни газетадагисига таққослаб кўрилса, топишмоқ – суратдаги чопон, дўппи кийиб ўтирган киши А. И. Куприн эканига гумон қолмайди.

А. И. Куприннинг шарқона кийимга мойиллиги сабабини ҳам М. К. Куприна-Иорданскаянинг юқорида зикр этилган эсдаликларидан топса бўлади. Унда, масалан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«1909 — йил майида Куприннинг онаси Любовь Алексеевнадан хат олган эдим». (294-бет).

«Любовь Алексеевна Купринанинг ота-онаси Қосимовлар подшолигидаги ворислик ҳуқуқига эга қадимий татар хонларига мансуб бўлганлар» (333-бет.).

Хуллас, топишмоқ-суратдаги киши А. И. Куприн. Эҳтимолки, эгнидаги чопони билан дўпписини татар аждодларига тортиб, ижод пайтларида кийиш ниятида унинг ўзи сотиб олгандир. Бундай уст-бошни қариндошлари совға қилган бўлса ҳам ажаб эмас. Далил тариқасида суратнинг ўзимдаги нусхасини хатимга илова қилдим».

Энди бизнинг асосларимизга келсак. Суратни эълон қилишдан аввал биз унга узоқ тикилиб қарадик, Эркин Жабборов эътироф этаётган китобдаги (бу китобни устоз Ваҳоб Рўзиматов таҳририятга олиб келган эди) суратлар билан солиштирдик ва а) бу суратларнинг ўзаро ўхшашлиги; б) девордаги сурат Гоголь ҳазратларининг сурати эканлиги, в) китоб жавонларининг, стол устидаги предметларнинг шакл-шамойилидан келиб чиқиб суратдаги киши Куприн эканлигига шубҳамиз қолмаган эди.

Бор гап шу, азизлар.

Ҳар эҳтимолга қарши, жумбоқ-суратни такроран эълон қилмоқдамиз. Унинг ёнида Куприннинг бошқа суратини ҳам кўришингиз мумкин. Хўш, сиз қандай фикрдасиз? Балким, мунозарани давом эттирармиз?

**Таҳририят**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI

2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91

Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48

Назм ва наср бўлими: 136-56-50
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-55-78

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

*Навбатчи муҳаррир —Аҳмад ОТАБОЕВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вакти—21.00.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 010. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр курсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—8840.